

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**А.Б. Фафуров**

**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ  
БУЗГАНЛИК УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИК**

**Тошкент  
«Адолат»  
2015**

**УЎК: 343.415(575.1)**

**КБК: 67.400.5(5Ў)**

**F-29**

F-29 **Фафуров А.Б.** Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик. – Тошкент: «Адолат» нашриёти, 2015. – 72 б.

ISBN 978-9943-4380-8-8

УЎК: 343.415(575.1)

КБК 67.400.5(5Ў)

**Муҳаррир: Қосимов Р.С.**

*2014 йил 29 декабрь куни Илмий кенгашининг  
3-сонли баённомаси билан тасдиқланган*

Мазкур рисола фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлашнинг муҳим омилларидан бирига бағишланган. Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни белгилаш фуқаролар томонидан ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида жамоат манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳуқуқий воситаларидан бири ҳисобланади. Рисолада Ўзбекистон Республикасининг сайловларга оид қонун ҳужжатларини бузиш натижасида келиб чиқадиган конституциявий-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик масалалари ёритилган.

Рисола Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчилари ва профессор-ўқитувчиларига, шунингдек сайлов жараёнлари билан қизиқадиган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4380-8-8

© Фафуров А.Б., 2015.

© Юристлар малакасини ошириш маркази, 2015.

© Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
«Адолат» нашриёти, 2015 йил.

## КИРИШ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, миллий сайлов қонунчилигини умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ стандартлари асосида шакллантириш ва ривожлантириш, демократик сайлов тизими ва амалиётини янги босқичга қўтариш, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини адолатли сайловлар асосида шакллантириб бориш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, «Демократиянинг энг муҳим принципи – одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, мустақил тараққиётимизнинг ўтган йиллари мобайнида юртимизда сайловларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берувчи қонунчилик тизими яратилди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайловга оид қонунчилик тизимини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Жумладан, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сайловолди ташвиқотининг шакл ва усулларини аниқ белгилашга, сайлов кампанияси жараёнида депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга тенг шароитларни таъминлаш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Сайловлар жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кон-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 380-бет.

цепцияси асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Қонун юртимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларининг мантикий давоми бўлди. Конституциянинг «Сайлов тизими» деб номланган XXIII бобига, айнан, 117-моддасига киритилган қўшимча ва ўзгартишларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек референдумни ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиши, мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлилик унинг фаолияти асосий принциплари сифатида белгилаб қўйилди. Қонунчиликдаги мазкур янгилликлар 2014 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтган навбатдаги сайловлар халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган стандартлари асосида янада юқори савияда, демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтказилишига ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз парламенти томонидан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқишда демократик сайловлар ва референдумларни ташкил этиш борасида тўпланган миллий тажриба ва бу борада илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам инобатга олинди.

Бинобарин, 2014 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга, Бюджет кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти асосий принципларини белгилашга, унинг мустақиллигини, шу жумладан, молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашга, шунингдек, сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун

маъмурий жавобгарлик белгилашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Қонунчиликдаги мазкур янгиликлар Марказий сайлов комиссияси ваколатларини янада кенгайтириш, унинг мустақиллиги, шу жумладан, молиявий мустақиллиги кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилганлигини эътироф этиш лозим. Марказий сайлов комиссияси том маънодаги мустақил орган эканлиги, унинг фаолияти мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлилик каби принциплар асосида йўлга қўйилиши Конституциянинг 117-моддасига киритилган янги нормаларда мустаҳкамланган.

Киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларга мувофиқ мазкур принциплар алоҳида моддаларда мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг мустақиллик принципи унинг ўз фаолиятини давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил тарзда олиб боришини кўзда тутди. Марказий сайлов комиссияси фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлишини англатади. Ошкоралик принципи эса Марказий сайлов комиссияси мажлисларининг очиқ тарзда, шу жумладан сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирокида ўтказилишида намоён бўлади.

Марказий сайлов комиссиясининг мақоми давлат ҳокимияти бошқа органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни таъминлайдиган мустақил демократик институт сифатида Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилганлиги демократик сайловни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ва унинг раиси ваколатлари янада кенгайтирилди. Хусусан, Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари доираси сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этишини молиялаштириш учун маблағларни тақсимлаш, халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ ваколатлар билан тўлдирилди.

Таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этиб ўтилган Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 70-моддасига киритилган Марказий сайлов комиссиясини молиялаштириш Давлат бюджетида алоҳида моддада назарда тутилишини белгиловчи қўшимчалар Марказий сайлов комиссиясининг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Сайлов тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда фуқаролар сайлов ҳуқуқини амалга оширишни самарали таъминлашга ва шу йўл билан сайлов тизимини такомиллаштиришга хизмат қиладиган муҳим ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик мустаҳкамлаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Зеро, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг аниқ белгилаб қўйилиши, шак-шубҳасиз, сайлов жараёнларида қонун устуворлиги ва адолат тамойиллари таъминланишига хизмат қилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг қатъий белгилаб қўйилиши сайлов эркинлиги принципи янада тўлиқроқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизими янада демократлаштирилишига, сайловнинг очиқ-ошкоралиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Сайлов қонунчилигидаги ушбу янгиликлар сайлов жараёнларини янада либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил ифодалаши учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш имконини беради.

## **САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

Мамлакатимиз фуқароларининг сайлов ҳуқуқи Конституциянинг 32-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади». Шу нормага асосан, мамлакатимиз фуқаролари Президентликка ҳамда тегишли вакиллик органи депутатлигига сайланишлари мумкин. Конституциямизнинг сайлов ҳуқуқига оид яна бир нормаси 60-модда бўлиб, унда сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалаб, ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этишлари белгиланган.

Сайловларда иштирок этиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган энг муҳим сиёсий ҳуқуқлари ҳисобланади. Шу боис, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг бузилиши, шунингдек фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг бузилиши юридик жавобгарликни келтириб чиқаради.

Юридик жавобгарлик деганда, ҳуқуқбузарга нисбатан ваколатли давлат органлари томонидан давлат мажбурлов чораларини қўллаш тушунилади. Бунда ҳуқуқбузарнинг муайян ҳуқуқларини чеклаш назарда тутилади.

Юридик жавобгарлик — ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳуқуқлардан (шахсий, мулкӣ, ташкилий ва ҳоказо) маҳрум этилади<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — Т.: ТДЮИ, 2000. — 350-бет.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик фуқаролар томонидан ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида жамоат манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситаси ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик ҳуқуқбузарлик содир этилганда вужудга келади ва ҳуқуқбузарга нисбатан тегишли ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқий санкция қўллашни назарда тутади. Жавобгарликка тортиш ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари кўриш билан боғлиқ бўлиб, муайян процессуал шаклда амалга оширилади.

Юридик адабиётларда сайлов ҳуқуқини бузганлик учун уч турдаги жавобгарлик, яъни: конституциявий-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланиши таъкидланган. Ҳар бир жавобгарлик тури қўллаш асослари, санкцияси, субъекти ва амалга оширишнинг процессуал шакли билан бир-биридан ажралиб туради.

Биринчи жавобгарлик тури, яъни конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик сайловга оид қонунларда назарда тутилган бўлиб, одатда, жазо чораси қўллашни назарда тутмайди, балки фуқароларнинг ҳуқуқи жиддий равишда бузилишининг олдини оладиган ва бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган чораларни кўришдан иборат бўлади.

Сайловлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик юридик адабиётларда сайлов ҳуқуқи бўйича жавобгарлик деб ҳам юритилади.

Конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик оммавий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўлиб, жамият ёки алоҳида ижтимоий гуруҳлар манфаатини таъминлаш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан келиб чиқади.

Конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари



тўғрисида»ги қонунларда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик қуйидаги таъсир чораларини қўллашни назарда тутлади:

- сайлов комиссияси аъзосини ваколатларидан маҳрум қилиш;
- сиёсий партиянинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқини рад этиш;
- ишончли вакилни ваколатларидан маҳрум этиш;
- депутатликка номзодни рўйхатга олишни рад этиш;
- депутатликка номзодни рўйхатга олишни бекор қилиш;
- сайлов бюллетенлари ва варақаларини ҳақиқий эмас деб топиш;
- овоз бериш натижаларини ҳақиқий эмас деб топиш;
- сайловларни ҳақиқий эмас деб топиш;
- сайлов комиссияларининг қарорларини бекор қилиш;

сиёсий партиянинг сайловларда қатнашишини молиялаштиришга ажратилган давлат маблағларини давлат бюджетига қайтариш.

Сайлов комиссияси қарорини бекор қилиш конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг муҳим чораси ҳисобланади. Масалан, Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи округ комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилиши мумкин (*«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддаси*).

Депутатликка номзоднинг сайлов ҳуқуқидаги жавобгарлиги уни номзод сифатида рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорнинг бекор қилиниши бўлиши мумкин. Бундай жавобгарлик чораси тегишли ваколатли сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Депутатликка номзодни рўйхатга олишни бекор қилиш учун қуйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин:

- депутатликка номзод кўрсатиш тартиби бузилганлиги;
- депутатликка номзодни рўйхатга олиш қоидалари бузилганлиги;
- сайловолди ташвиқотларини олиб бориш қоидалари бузилганлиги;

сайлов кампаниясини молиялаштириш қоидалари бузилганлиги;

депутатликка номзод томонидан ёхуд унинг ишончли вакиллари томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланилганлиги;

сайловчилар ҳақ эвазига оғдириб олинганлиги.

Депутатликка номзод кўрсатиш қоидаларини бузиш, хусусан, қуйидагиларда:

депутатликка номзод кўрсатиш бунга ваколатли бўлмаган сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилишида;

депутатликка номзодлар кўрсатишнинг белгиланган тартиби бузилишида;

имзолар йиғиш тартиби бузилишида намоён бўлади.

Сайлов жараёнининг асосий субъекти бўлган сиёсий партияларнинг жавобгарлиги уларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқини рад этишда намоён бўлади. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади.

Таъкидлаш лозимки, қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маъмурияти у ёки бу сиёсий партияни ёқлаб имзо йиғиш билан шуғулланишига, шунингдек бу жараёнга қўл остидаги ходимларни жалб этишига йўл қўйилмайди. Бундай талабларнинг бир неча марта ёки қўпол тарзда бузилиши йиғилган имзолар тегишли сайлов комиссияси ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлади.

Юқорида қайд этиб ўтилган камчиликлар депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин аниқланган тақдирда ҳам номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга асос бўлади.

Депутатликка номзодни рўйхатга олишни бекор қилишнинг яна бир асоси уни (номзодни) рўйхатга олиш қоидаларининг бузилиши бўлиши мумкин. Бунда ҳуқуқбузарлик субъекти тегишли ваколатли сайлов комиссияси бўлади. Бир номзоднинг биттадан ортиқ сайлов округидан рўйхатга олиниши бунга мисолдир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин.

Шунингдек, сайлов қонунчилигини бузганлик учун сайлов комиссиялари ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундай жавобгарлик сайлов комиссияси тарқатиб юборилишида намоён бўлади. Бу чора Марказий сайлов комиссияси томонидан мустақил ёки прокуратура органларининг тақдимномаси асосида амалга оширилади.

Депутатликка номзодни рўйхатга олишни бекор қилиш учун номзод ёки унинг ишончли вакиллари томонидан сайловолди ташвиқоти олиб бориш қоидалари бузилганлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Рўйхатга олинган депутатликка номзод томонидан сайловолди ташвиқоти олиб бориш қоидалари бузилган тақдирда сайлов комиссияси мазкур номзодни огоҳлантиради ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳуқуққа зид сайловолди ташвиқоти олиб борилишини тўхтатишни сўраб тақдимнома киритади.

Сайлов жараёнида мансаб лавозими ёки хизмат мавқеидан фойдаланиш деганда қуйидаги ҳолатлар назарда тутилади:

қўл остидаги ходимларини иш вақтида сайлов жараёнига жалб этиш;

давлат органлари, муассаса ва ташкилотлари томонидан эгаллаб турилган биноларни муайян депутатликка номзод сайланиши учун фойдаланишга бериш, бунда бошқа номзодларга ҳам худди шундай шароит яратиб берилмаган бўлса.

давлат органи, муассаса ва ташкилотларига тегишли телефон ва бошқа алоқа воситаларидан имзо йиғиш ва сайловолди ташвиқоти олиб боришда фойдаланиш;

давлат органлари тасарруфидаги транспорт воситаларидан муайян депутатликка номзод сайланиши учун бепул ёки имтиёзли асосда фойдаланилиши;

давлат хизматчиларининг хизмат сафари давомида имзо йиғиш ёки сайловолди ташвиқоти билан шуғулланиши;

оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда муайян номзодга бошқа номзодларга нисбатан қулай ёки имтиёзли шароитлар яратиб бериш.

Сайлов комиссияси томонидан овоз бериш натижалари ва сайлов якунларининг бекор қилиниши ҳам конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси ҳисобланади.

Сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай ҳолларда Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида қарор қабул қилинади. Бундай қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Бунда суд ҳуқуқбузарликка йўл қўйилганлигини аниқлашдан ташқари мазкур ҳуқуқбузарлик натижасида сайловчилар хоши-иродасини аниқлаш имкони бермаслигига баҳо бериши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сайлов кампаниясида йўл қўйилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик овоз бериш натижалари ва сайлов якунларини бекор қилиш учун асос бўлавермайди.

Сайлов комиссиясининг тарқатиб юборилиши ҳам конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси ҳисобланади. Бундай жавобгарлик чорасини қўллашга фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари сайлов комиссияси томонидан бузилганлиги оқибатида муайян сайлов округидаги овоз бериш натижаларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида Марказий сайлов комиссияси қабул қилган қарор асос бўлади.

Шундай қилиб, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг муҳим кафолатларидан бири сайлов ҳуқуқини бузганлик учун конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг мавжудлиги бўлиб, мазкур жавобгарлик тури сайловга оид қонунларда кўзда тутилган. Конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг хусусияти жазо чораларини қўллаш билан эмас, балки фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари жиддий равишда бузилишининг олдини оловчи ва бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган чораларни кўриш орқали яққол ифодаланади.

## **САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

Сайлов қонунчилигини бузганлик маъмурий жавобгарлик келтириб чиқаради. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси берилган. Унга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор фуқаролар, мансабдор шахслар маъмурий чорага (жаримага) тортиладилар. Кодекснинг 25-моддасига кўра, жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдан иборат. Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса, бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Маълумки, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади. Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жисмоний шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан тартибга солинади.

Мазкур кодексга, юқорида қайд этиб ўтилганидек, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2014 йил 4 сентябрдаги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка бағишланган янги V<sup>1</sup> боб киритилди. Мазкур боб ўз ичига 8 та моддани олган бўлиб, уларда сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортишнинг асослари ва жавобгарлик чоралари белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга юқорида зикр этиб ўтилган Қонун билан киритилган янги нормаларга асосан депутатликка номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини, шунингдек улар томонидан ёки мансабдор шахс томонидан сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш каби ҳаракатлар маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек, сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш (ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш) билан боғлиқ ҳаракатлар содир этиш маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилишига олиб келади.

Кодексда сайлов қонунчилиги ва тартиб-қоидаларини бузиш ҳолатлари юзасидан фуқароларга алоҳида, мансабдор шахсларга алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашишга, уларнинг қарорларини ижро этмасликка йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги, ўз навбатида, фуқароларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳамда мансабдор шахсларнинг (сайлов комиссияси раиси, сайлов комиссияси аъзолари ва бошқа тегишли ваколатли шахсларнинг) маъмурий жавобгарлигига бўлинади.

Жисмоний шахсларни жавобгарликка тортишнинг маъмурий жазо чораларидан бири – жарима солишнинг ҳам ўз йўриғи бор. Маъмурий жарима давлат фойдасига Кодексда аниқ белгиланган суммада бир марта ундирилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ маъмурий жарима миқдори ҳуқуқбузарликнинг хусусиятидан келиб чиқиб энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан 20 бараваригача этиб белгиланган.

Маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазога ёши 16 га тўлган ва ундан катта ёшдаги жисмоний шахслар тортилиши мумкин. Айрим турдаги маъмурий жавобгарликка алоҳида мақомга эга бўлган субъектлар тортилади. Бундай субъектлар жумласига, хусусан, сайлов комиссиясининг раиси, сайлов комиссияси аъзоси, рўйхатга олинган депутатликка номзод, сиёсий партияларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг бош муҳаррирлари, журналистлар ва сайлов жараёнида иштирок этадиган бошқа масъул шахслар кирази.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби қонунда маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг белгилари йиғиндисиدير. Фуқароларнинг қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган сайлов ҳуқуқлари маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ сайлов комиссиялари ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва мансабдор шахслардан мустақилдир. Зеро, сайлов жараёнини қонуний, адолатли ва мазкур жараённинг барча иштирокчилари учун тенг шароитларда ташкил этиш учун сайлов комиссияси аъзоларининг мустақил ҳолда иш юритишлари ғоят муҳим тамойил ҳисобланади. Бинобарин, ушбу тамойилнинг амалий жиҳатдан таъминланмаслиги сайловларнинг демократик моҳиятига жиддий путур етказди.

*Сайлов комиссияси ишига аралашув* айбдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради. Сайлов комиссияларининг ўз ваколати доирасида мустақил қарор қабул қилиши ва ҳар қандай давлат органлари, мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларидан тўлиқ муста-

қил фаолият юритишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий нормалар бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

Сайлов комиссиялари ишига аралашув мансабдор шахс томонидан хизмат ёки мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда комиссиянинг муайян қарор чиқаришига ёхуд чиқармаслигига ундашга қаратилган ҳаракатларда намоён бўлади. Давлат ҳокимияти органларидаги ва жамоат бирлашмаларидаги, сиёсий партиялардаги мансаб лавозимларини эгаллаган шахслар бундай ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин. Бу турдаги ҳуқуқбузарлик фақат қасддан содир этилади.

*Сайлов комиссияси қарорларини бажармаслик.* Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдумни ўтказиш комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

Шунингдек, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари қўйи сайлов комиссияларининг, шунингдек тегишли маҳаллий давлат органлари, сиёсий партиялар бўлинмалари ва бошқа жамоат бирлашмаларининг, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари учун мажбурийдир.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорларини ижро этмаслик мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Сайлов комиссияларининг қарорларини ижро этмаслик, одатда, мазкур қарор ижро учун юборилган давлат органлари мансабдор шахслари томонидан ҳаракатсизлик оқибатида содир бўлади.

Бу борада шунга эътибор берилиши керакки, маъмурий жавобгарлик сайлов комиссияларининг ҳар қандай қарорини ижро этмаслик оқибатида эмас, балки, **биринчидан**, уларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини, **иккинчидан**, сайловларни (ёки референдумни) ташкил этиш билан боғлиқ қарорларини ижро этмаслик оқибатида келиб чиқади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51<sup>3</sup>-моддасида сайлов комиссияларининг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатла-



рини узрли сабабларсиз бузиш ҳам мансабдор шахслар учун худди шундай маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

*Сайлов жараёни иштирокчиларининг (депутатликка номзоднинг, ишончли вакил, кузатувчи ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг) ҳуқуқларини бузиши.* Сайловга оид қонун ҳужжатларида сайлов жараёнининг махсус иштирокчилари бўлган рўйхатга олинган депутатликка номзод, номзоднинг ишончли вакили, кузатувчи ёки сиёсий партиянинг ваколатли вакили ҳуқуқларининг бузилиши маъмурий жавобгарлик келтириб чиқарадиган ҳуқуқбузарликлар сирасига киритилган.

Бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибига мансабдор шахслар томонидан депутатликка номзодга сайловда иштирок этиш билан боғлиқ шарт-шароитларни яратиб беришдан бош тортиш киради. Рўйхатга олинган депутатликка номзодга қонунда кўзда тутилган сайловолди ташвиқоти олиб бориши учун таътил бериш корхона, ташкилот ёки муассасанинг раҳбари томонидан рад этилганлигини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, сайлов жараёнида бинолардан белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқи бузилганлиги ҳолатлари ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик таркибига киради.

Бундан ташқари белгиланган сайлов кампаниясини олиб бориш учун ажратилган бинолардан рўйхатга олинган депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишида тенг шароитларнинг яратиб берилмаслиги ҳам номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш сифатида баҳоланади ва юқорида қайд этиб ўтилган маъмурий жавобгарлик чорасини қўллашга асос бўлади.

*Сайловолди ташвиқотини олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш.* «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасида сайловолди ташвиқоти тушунчаси ва бундай ташвиқотга нисбатан қўйиладиган талаблар ўз аксини топган бўлиб, унда сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланиши қатъий белгилаб

қўйилган. Мазкур талаб демократик сайловларга қўйиладиган, умум эътироф этилган халқаро стандартларга асосланган бўлиб, бундай норма «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасида, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасида ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида ҳам кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка бағишланган бобида назарда тутилган нормалар умумий хусусиятда бўлиб, сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш билан боғлиқ талаблар сайловга оид қонунларда мустақкамлаб қўйилган. Мазкур қонунларда сайловолди ташвиқоти олиб боришнинг умумий шартлари, даврий босма нашрларда, теле ва радио каналларда, шунингдек электрон ифодада ташвиқот олиб бориш хусусиятлари белгиланган.

Бу борада эътибор берилиши лозим бўлган ҳолат шундаки, у ёки бу депутатликка номзодга бошқа номзодларга нисбатан ташвиқот олиб бориш учун яхшироқ ва қулайроқ шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилишига йўл қўйилмайди, зотан бунга йўл қўйилиши бошқа номзодларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Одатда, оммавий ахборот воситаларининг бош муҳаррирлари, журналистлари ёки бошқа вакиллари бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти бўлади.

Даврий оммавий ахборот воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни эълон қилишлари шарт. Бундай ҳужжатлар сирасига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ қарорлари, сайлов жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиялар ва бошқа расмий иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар киради.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзод, ишончли вакил, сиёсий партиянинг ваколатли вакили томонидан ўтказилади.

Сайловолди ташвиқотининг мақсади, **биринчидан**, фуқароларни сайловларда фаол иштирок этишга чақириш бўлса, **иккинчидан**, муайян депутатликка номзодни ёки сиёсий партия томонидан номзодликка кўрсатилган барча номзодларни ёқлаб овоз беришга чақиришдан иборат.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзод сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади, яъни сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Сайловга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ сайловолди ташвиқотида сайлов комиссияларининг аъзолари иштирок этиши мумкин эмас.

*Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш.* Сайлов жараёнида сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш тақиқланган.

Муайян нусхада нашриётда чоп этилган, сайловолди ташвиқотига йўналтирилган нашрлар босма ташвиқот материаллари ҳисобланади ва улар сайлов кампанияси давомида оммавий тарқатишга мўлжалланган бўлади. Булар сирасига варақаларни, буклетлар, рисолалар, плакатлар ва календарларни киритиш мумкин. Мазкур материалларнинг мазмуни ва шаклига алоҳида талаблар қўйилмайди. Бироқ, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган, ёлғон маълумотлар бўлмаслиги керак.

Бу борадаги ҳуқуқбузарликнинг хусусияти шундаки, бундай ҳаракатлар сайловчиларни чалғитиб, уларни ҳаққоний ахборот олиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан хоҳиш-иродани тўлиқ изҳор этишларига тўсқинлик қилади.

*Сайловга оид ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш.* Сайловга оид ахборот ҳамда ташвиқот материалларини сайлов жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш носоғлом рақобат усули бўлиб, бундай хатти-ҳаракат

муайян депутатликка номзодга ёки сиёсий партияга қарши қаратилганлигидан ташқари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишига тўсқинлик қилади.

У ёки бу депутатликка номзод ёхуд сиёсий партия ҳақидаги ахборотлар акс эттирилган босма материаллар бу турдаги ҳуқуқбузарлик предмети ҳисобланади. Шундай материалларни йўқ қилиш ёки уларга ёзиш, бўйлаш, расм чизиш, матнларга чалғитувчи нотўғри тузатишлар киритиш йўли билан шикаст етказилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради.

*Сайловни молиялаштириш тартибини бузиш.* Сайловга оид қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилганидек, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, депутатликка номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади ва белгиланган тартибда тенг ҳуқуқлилиқ асосида тақсимланиши ва сарфланишини таъминлайди.

Сайловга оид қонун ҳужжатларида барча сайлов жараёни иштирокчиларига тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун давлат томонидан ажратиладиган маблағлардан бошқа манбалардан фойдаланиш тақиқланган.

Бундай талабнинг объектив зарурати шундаки, бизнес соҳаси вакилларида, одатда, сайлов жараёнини ташкил этиш учун молиявий маблағлар жалб этишда имкониятлар кўпроқ бўлади. Айни пайтда давлат хизматчилари ёки илм-фан ва таълим соҳаси вакиллари бундай имкониятларга эга бўлмаслиги мумкин. Бинобарин, сайлов жараёнининг барча иштирокчиларига адолатли, тенг шароит яратилиши демократик сайловларнинг муҳим мезони ҳисобланади.

*Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки*

референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддасига, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 49-моддасига мувофиқ, овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш ёки бошқа шаклларда эълон қилиш тақиқланган. Шунингдек, бундай маълумотларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига, шу жумладан Интернет тармоғига жойлаштириш ҳам ман этилган.

Сайлов куни арафасида фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин, холис амалга ошириш имкониятига эга бўлишлари керак. Сайлов кунидан олдин эълон қилинадиган ижтимоий сўровлар натижалари сайловчиларни чалғитиб, уларни бир қарорга келишига монелик қилиши мумкин. Шунингдек, бундай маълумотларнинг овоз бериш куни олдидан эълон қилиниши сайловчилар уларни текшириб кўриш ёки бирон-бир тарзда таҳлил қилиш йўли билан ахборотнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилишига вақт қолдирмайди.

Хуллас, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига сайлов қонунчилигини бузиш ҳоллари юзасидан жавобгарликни белгилувчи нормаларнинг киритилиши, **биринчидан**, миллий сайлов қонунчилигининг такомиллаштирилиши ҳамда фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатларининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ. **Иккинчидан**, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибаларига мос келади.

## **САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

Сайловга оид қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилганидек, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз бериш принципини бузган ёки сайловга оид қонун ҳужжатлари бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Юқорида айтилган нормалар сайловларга қўйиладиган умум эътироф этилган халқаро стандартларга асосланган бўлиб, бундай талаб «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддасида («Ушбу Қонунни бузганлик учун жавобгарлик»), «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида («Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик»), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 49-моддасида («Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарлик»), «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддасида («Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарлик») мустаҳкамлаб қўйилган.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146 ва 147-моддалари билан тартибга солинган бўлиб, унга кўра сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (146-модда) ҳамда сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (147-модда) каби ҳаракатларнинг содир этилиши жиноий-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Жиноятнинг объекти фуқароларнинг ўз конституциявий сайлов ҳуқуқини амалга ошириши, референдум ёки сайловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиш ҳисобланади. Сайлов жараёни иштирокчилари томонидан қўйидаги ҳаракатларнинг содир этилиши жиноий қилмиш сифатида баҳоланиши мумкин:

овоз бериш яширинлигини бузиш;

сайлов (референдум) ҳужжатларини қалбакилаштириш;

овоз бериш бюллетенларига, шунингдек, имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш;

берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш.

Овоз бериш яширинлигини бузиш сайлов участкасида овоз бериш сайловчи кимга овоз берганлигини билиб олиш мумкин бўладиган шароитда ташкил этилганлигида намоён бўлади. Бундай хатти-ҳаракат яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари тайёрланмаганлиги, улар бегона шахсларнинг нигоҳи тушишидан холи этилмаганлиги, тўлдирилган бюллетенларни қонунда назарда тутилган асосларсиз кўриб чиқиш каби ҳаракатларда намоён бўлади.

Ҳужжатларни қалбакилаштириш эса асл ҳужжатларга тузатиш ёки ўзгартириш киритиш ёки сохта ҳужжат тайёрлаш каби ҳаракатларда намоён бўлади.

Берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш овоз бериш иштирокчиларининг ёқлаб ёки қарши берган овозларини онгли равишда, атайлаб кўпайтириб ёки аксинча камайитириб ҳисоблашдан иборатдир.

Мазкур турдаги жиноят субъектлари мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, сайлов ёки референдум ўтказиш комиссиялари аъзолари ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 23<sup>1</sup>-моддасида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш борасидаги ваколат белгиланган бўлиб, Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишга ички ишлар органларининг, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин, деб белгиланган. Уларнинг хулосалари Марказий сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзоларни сохталаштирилган деб топиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жиноят кодексининг «Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш» деб номланган 147-моддаси демократик сайловларга нисбатан қўйиладиган, умум эътироф этилган халқаро стандартлар талабларига асосланган бўлиб, фуқароларга ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг хоҳиш-иродани эркин изҳор этишини таъминловчи, чинакам замонавий руҳдаги сайловлар ўтказилишига хизмат қилади.

Сайлаш ва сайланиш фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, Жиноят кодексининг мазкур моддалари ушбу ҳуқуқларни муҳофаза қилишга қаратилган.

Сайлов жараёнида зўрлик ишлатиш, алдаш, қўрқитиш ёки оғдириб олиш йўли билан фуқаронинг сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишига ёки депутатликка ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари ишига тўсқинлик қилиш каби ҳаракатларнинг содир этилиши юқорида қайд этилган жиний жавобгарликни келтириб чиқаради.

Тўсқинлик қилиш деганда, фуқарога ёки депутатликка номзодга ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодга уни ўзининг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини қонунда кўрсатилган усул билан амалга оширишидан маҳрум этиш ёки ишончли вакил ваколатларини эркин амалга оширишига монелик қилиш мақсадида таъсир кўрсатишда, масалан, сайловолди ташвиқоти олиб боришни тақиқлаш, сайловчилар рўйхатига киритмаслик ва ҳоказоларда ифодаланади. Бу тоифадаги жиноятнинг муқаррар алома-



ти зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан амалга ошириладиган тўсқинлик қилишдир.

Сайлов ҳуқуқини ёки ишончли вакилларнинг ваколатларини амалга оширишга зўрлик ишлатиш билан тўсқинлик қилиш жисмоний йўл билан ҳар қандай жисмоний таъсир кўрсатишда, хусусан, калтаклаш, дўппослаш, ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишда намоён бўлади.

Фуқарога руҳий таъсир ўтказиш, яъни у сайловда иштирок этиб, ўз ҳуқуқини амалга оширадиган бўлса, овоз беришда қатнашадиган бўлса ёки сайловолди ташвиқоти олиб борадиган бўлса, унинг ўзи ёки яқин қариндошларининг ҳаётига, соғлиғига, мулкига, шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиш нияти билдирилган, пўписа қилинган хабарларда ифодаланади.

Мазкур жиноий хатти-ҳаракатларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларга уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш каби жазо чоралари қўлланилади.

Сайловга оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликнинг белгиланиши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган «Халқ иродаси давлат ҳокимиятининг негизи бўлмоғи лозим, бу ирода вақти-вақти билан ўтказиладиган, сохталаштирилмаган сайловларда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказилиши керак»лиги<sup>3</sup> тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ келади ҳамда сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини қўшимча равишда кафолатлашга хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ривожланган демократик давлатларнинг қонунчилик амалиётида ҳам сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Масалан, Германия Жиноят кодексида (107–108-параграфлар) сайловларни

---

<sup>3</sup> Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар./Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: «Адолат», 2004. – 34-бет.

ўтказиш ёки унинг натижаларини аниқлашга қарши зўравонлик ёки қўрқитув йўли билан тўсқинлик қилиш, сайлов натижаларини, сайлов ҳужжатларини сохталаштириш, сайлов сирини ошкор қилиш, сайлов ҳуқуқини амалга оширишга зўравонлик билан қаршилик кўрсатиш, сайлов ҳуқуқини амалга оширишда сайловчиларни алдаш, сайловчилар сайлов ҳуқуқларини амалга ошираётганларида уларни пора ёки бошқа йўллар билан ўз томонига оғдириб олиш сингари қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Швейцария Жиноят кодексига (279–283-моддалар) кўра, сайловга ёки овоз беришга зўрлик ишлатиш ёки қўрқитиш йўли билан тўсқинлик қилиш, шахснинг овоз бериш ва сайлов ҳуқуқини амалга оширишига зўравонлик ёки қўрқитиш йўли билан аралаштириш, сайловчиларни ўз тарафига оғдириб олиш, овоз бериш реестрини, имзолар йиғиш натижаларини сохталаштириш ёки уларни йўқотиб юбориш, овоз бериш ва сайловлар сирини ошкор қилиш каби хатти-ҳаракатлар жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Нидерландия жиноят қонунчилигида сайлов ҳуқуқи амалга оширилишига куч ишлатиш йўли билан қаршилик қилиш, сайловчиларни оғдириб олиш, сайловлар ёки овоз бериш натижаларини сохталаштириш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Россия Федерациясининг Жиноят кодексига сайловга оид ҳуқуқлар амалга оширилишига ёки сайлов комиссияларининг ишига тўсқинлик қилиш, депутатликка номзоднинг сайлов кампаниясини, сайлов бирлашмалари, сайлов блоки, референдум ўтказиш бўйича ташаббускор гуруҳ фаолиятини, сайлов ҳужжатларини сохталаштириш ҳамда овоз бериш натижаларини сохталаштириш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, Корея Республикасининг Жиноят кодексига сайловга тўсқинлик қилганлик учун, жиноятнинг оғир-енгиллигига қараб, ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, беш йилдан кам бўлмаган муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида сайлов ёки референдумни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган-

лик (Жиноят кодексининг 146-моддаси) ва сайлов ҳуқуқи ёки ишончли вакилнинг ваколатлари амалга оширилишига тўсқинлик қилганлик (Жиноят кодексининг 147-моддаси) учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий-ҳуқуқий жавобгарликнинг белгиланиши фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш билан боғлиқ муҳим конституциявий ҳуқуқларининг кафолати ҳисобланади.

Шунингдек, сайловга оид қонунчиликни бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи нормалар халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига асосланган ва ривожланган демократик давлатларнинг қонунчилик амалиёти ва тажрибасига мос келади.

## **САЙЛОВ ҲУҚУҚИ БУЗИЛГАНЛИГИ ЮЗАСИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ**

Сайловларнинг демократик мезонларини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишга жиддий эътибор берилади. Масалан, Эркин ва адолатли сайловлар мезони тўғрисидаги декларациянинг 9-бандида давлат инсон ҳуқуқлари бузилишига ва сайлов жараёнига оид шикоятлар зудлик билан, сайлов жараёни вақти доирасида мустақил ва холис сайлов комиссияси ёки суд томонидан самарали кўриб чиқилиши юзасидан чоралар кўриши кераклиги белгиланган.

Демократик сайловлар стандартлари, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги МДХ Конвенциясида МДХга аъзо-давлатлар: ушбу Конвенцияда кўзда тутилган демократик сайловлар стандартлари, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлар ва эркинликлари, шунингдек сайлов қонунлари бузилган тақдирда ҳуқуқи бузилган шахс ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳамда қонунда назарда тутилган ҳолларда сайлов комиссияларига шикоят қилиш орқали ҳуқуқларини тиклаш ҳуқуқига ва имкониятига эга бўлиши кераклиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Мазкур Конвенциянинг 9-моддасига биноан, сайловда иштирок этаётган ҳар бир депутатликка номзод ва сиёсий партия овоз бериш натижалари, сайлов яқунлари юзасидан судга шикоят қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

Шунингдек, Конвенцияда сайлов ҳуқуқларини бузганликда айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракати устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи «Фуқаролар

сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамокда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳаммининг танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан қаерда ва қачон танишиш мумкинлиги ҳақида сайловчиларни хабардор этади.

Фуқароларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганлигини текшириш имкони таъминланади.

Ҳар бир фуқарога сайловчилар рўйхатига киритилмаганлиги, нотўғри киритилганлиги ёки рўйхатдан асоссиз чиқарилганлиги юзасидан, шунингдек рўйхатда у ҳақидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлиги хусусида сайлов комиссиясига шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай арз-шикоятни кўриб чиқиши ҳамда ё хатони тузатиши, ёки арзгўйга унинг арз-шикояти асосли тарзда рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотномани бериши шарт.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш асослари ва тартиби белгилаб қўйилган. Мазкур нормада депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, қузатувчилар ва сайловчилар сай-

лов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса, дарҳол кўриб чиқилиши керак.

Референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш тартиби «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқаролар, шунингдек кузатувчилар референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари устидан юқори комиссияга ёки судга ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, агар референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят бериш мумкин. Бунда шикоят тушган пайтдан эътиборан уч кун ичида, агар сайлов ёки референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса – дарҳол кўриб чиқилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур норманинг процессуал тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 272-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унда сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриш муддати ва тартиби белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўз ҳуқуқлари бузилганда суд ва бошқа ваколатли давлат органларига ариза ва шикоят билан мурожаат қилишлари ҳамда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини лозим даражада таъминланишини сўраш ёки бузилган

хуқуқларини тиклашни талаб қилишга ҳақлидирлар. Бу фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи бўлиб, мамлакатимизда ушбу ҳуқуқларнинг таъминланишига алоҳида эътибор берилади. Барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат идораларида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг аҳволи тизимли равишда таҳлил қилиб борилади. Зеро, фуқароларнинг мурожаатлари жамиятдаги ижтимоий кайфиятнинг муҳим индикатори ҳисобланади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланганлиги миллий сайлов қонунчилигимиз халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига тўла мос келишидан далолат беради.

## ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари эркинлаштирилиши ва модернизация қилиниши натижасида сайлов тизими замонавий, демократик талабларга жавоб берадиган даражада шакллантирилди. Сайловларнинг умум эътироф этилган халқаро нормалари ва принципларига мос, фуқаролар хоҳиш-иродани эркин билдириши кафолатларини, ҳар бир инсоннинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган самарали норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди. Демократик сайлов ўтказишнинг ўзимизга хос ва мос миллий тажрибаси инobatга олинган ҳолда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, сайлов ҳуқуқларини бузганлик учун юридик жавобгарликни белгиловчи қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтирилишини қўйидагиларда кўришимиз мумкин.

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида сайлов ёки референдум ташкил этиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик (Жиноят кодексининг 146-моддаси), сайлов ҳуқуқи ёки ишончли вакилларнинг ваколатлари амалга оширилишига тўсқинлик қилганлик (Жиноят кодексининг 147-моддаси) учунгина жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда сайлов қонунчилигини бузиш ҳоллари учун жавобгарликни белгиловчи нормалар мавжуд эмас эди. Шу муносабат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни ўзида мужассам этган алоҳида (янги) боб киритилди. Мазкур ўзгартишлар ва қўшимчалар сайлов



тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлади.

**Иккинчидан,** сайловга оид қонунчиликни бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгилловчи нормалар халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига асослантирилди ва ривожланган демократик давлатларнинг қонунчилик амалиёти ва тажрибасига мосланди.

**Учинчидан,** фуқароларнинг муҳим конституциявий ҳуқуқи ҳисобланадиган сайлов ҳуқуқлари бузилиши ҳолларининг олдини олиш ёки уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида миллий қонунчилигимизда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва нормаларига тўлиқ мос келадиган муҳим кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликнинг белгиланиши ва бу борадаги нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши сайлов эркинлиги принципининг тўлиқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизимини янада демократлаштиришга, сайловнинг очиқ-ошкоралиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

## ИЛОВАЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда)*

#### [К ў ч и р м а]

#### XXIII боб

#### САЙЛОВ ТИЗИМИ

**117-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қат-

нашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими бўйича комиссия мажлисида сайланади. *(Олтинчи – тўққизинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрель ЎРҚ–366-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, 4-сон, 85-модда)*

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрель 470–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 3–4-сон, 27-модда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ФУҚАРОЛАР САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 127-модда)*

#### [К ў ч и р м а]

**10-модда.** Сайловчи сайловчилар рўйхатидаги хато ва ноаниқликлар тўғрисида сайлов комиссиясига арз қилиш ҳуқуқига эга. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ҳамда ёки хатони тузатиши, ёки аризачига унинг аризаси асосли тарзда рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотномани бериши шарт.

\* \* \*

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

**21-модда.** Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди агитациясини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, референдум тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1992 йил, 1-сон, 34-модда)*

#### [К ў ч и р м а]

#### **7-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сай- лови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Сайловни ўтказишнинг ушбу Қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган йўсинда жавобгар бўладилар. Номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 132-модда)*

#### [К ў ч и р м а]

#### **18-модда. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш**

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дарҳол кўриб чиқиши керак. Шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

\* \* \*

#### **59-модда. Сенат аъзолари сайловининг яқунлари устидан шикоят бериш**

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг Сенат аъзоларининг сайлови тўғрисидаги қарорлари устидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши мумкин.

\* \* \*

### **65-модда. Ушбу Қонунни бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилиқ кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ёки Сенат аъзолигига номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 125-модда)*

#### [К ў ч и р м а]

#### **49-модда. Халқ депутатлари вилоят, туман ва ша- ҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан тўсқинлик қилувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз бериш тартибини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотлар эълон қилган ёки уларни ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 95-модда)*

#### **[К ў ч и р м а]**

#### **2<sup>1</sup>-модда. Мустақиллик**

Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолияти-ни ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари қарор қабул қилишда сиёсий мойиллар ва бошқа ёт таъсирлардан холи бўлган ўз нуқтаи назарини билдиради.

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

\* \* \*

#### **12-модда. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан шикоят бериш**

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят бериш мумкин. Шикоят тушган пайтдан эътиборан уч кун ичида, агар сайлов ёки референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса — дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING РЕФЕРЕНДУМИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 176-модда)*

#### [К ў ч и р м а]

#### **25-модда. Референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш**

Фуқаролар, шунингдек кузатувчилар референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари устидан юқори комиссияга ёки судга ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят билан мурожаат қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, агар референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқиши лозим.

\* \* \*

#### **43-модда. Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқароларнинг референдумда иштирок этиш, референдум масалалари юзасидан ташвиқот юритиш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатаётган шахслар, шунингдек сохта ҳужжатлар тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз беришни бузган ёки ушбу қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган мансабдор шахслар, референдум ўтказувчи комиссияларнинг аъзолари, фуқаролар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК  
ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда)*

**[К ў ч и р м а]**

**V<sup>1</sup> боб. САЙЛОВ ВА РЕФЕРЕНДУМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ҲАМДА ЎТКАЗИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК\***

**51<sup>2</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сай-  
лов комиссиясининг, сайлов комиссияла-  
рининг, референдум ўтказувчи комиссия-  
ларнинг фаолиятига аралашиш**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**51<sup>3</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сай-  
лов комиссиясининг, сайлов комиссияла-  
рининг, референдум ўтказувчи комиссия-  
ларнинг қарорларини ижро этмаслик**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг

---

\* V<sup>1</sup>-боб Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ–373-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 36-сон, 452-модда.

мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**51<sup>4</sup>-модда. Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш**

Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**51<sup>5</sup>-модда. Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш**

Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиш, –

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**51<sup>6</sup>-модда. Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлгон маълумотларни тарқатиш**

Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлгон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**51<sup>7</sup>-модда. Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш**

Биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**51<sup>8</sup>-модда. Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш**

Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**51<sup>9</sup>-модда. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш**

Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1995 йил, 1-сон, 1-модда)*

### [К ў ч и р м а]

#### **146-модда. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳуж- жатларини бузиш**

Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **147-модда. Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил- лар ваколатларининг амалга оширилиши- га тўсқинлик қилиш**

Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки овдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

